

## ХИВАДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ЭТНОСПОРТ ФЕСТИВАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Атаджанов Азамат Юрьевич**

Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш  
бошқармаси катта инспектори

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда этносportни турларини оммалаштиришга ва ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар ҳамда “Хивада халқаро этносport фестивали” ўтказилган тадриб ҳақида сўз келтирилган.

### ABSTRACT

This article develops the legal basis for popularizing the development of ethnosport during the organization and participation in the ongoing events “Khiva International Ethnosports Festivals”.

### АННОТАЦИЯ

Данная статья и разрабатывает правовую основу популяризации развития этносportа при организации и участии в проводимых мероприятиях «Хивинские международные этносportивные фестивали».

### КИРИШ

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш, буюк аждодларимиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Жалололдин Мангубердилардан мерос бўлиб қолган камондан

отиш анъаналари ва қадриятларини келажак авлодларга етказиш, миллий спорт турларини кўпайтириш, камондан отиш спорт тури бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш давлатиз ва жамиятимизнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий спорт турларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакат ичида ҳам, халқаро майдонда ҳам фаоллиги билан ажралиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022-йил 25-май кунда қабул қилинган “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 259-сонли қарори бу борадаги ишларга янги суръат бағишлади.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2023 йилдан бошлаб анъанавий тарзда, Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба этноспорт турлари бўйича «Uzbekistan Ethno Games» республика фестивали ва Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба Халқаро этноспорт фестивали ташкил қилиши белгиланган. Бунда, «Ичан қалъа» мажмуасида фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилади.

Кўхна ва навқирон Хива шаҳрида халқаро этноспорт фестивали ўтказилди. Тўрт кун давом этган мазкур тадбирда 65 та давлатдан 950 нафар хорижий, 2000 нафардан зиёд республикамиз фуқаролари иштирок этишди.

Фестиваль доирасида “Ўзбек жанг санъати”, “Масс-реслинг”, “Баҳодирлар ўйини”, “Тош кўтариш” бўйича жаҳон чемпионати ҳамда “Белбоғли кураш” бўйича халқаро турнир ўтказилди. Шунингдек, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари (этноспорт)ни кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш бўйича халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида миллий кураш, бел олиш ва уч кураш, турон якка кураши, от спорти, камондан отиш, турк миллий ўйинлари бўйича кўرғазмали чиқишлар, ош пишириш ҳамда қовун сайли тадбирлари ҳам ташкил этилди.

Халқаро этносспорт фестивалини ўтказиш даврида вилоят ИИБнинг соҳавий хизматлари ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширишди. Натижада фестиваль доирасида чет эл ва маҳаллий сайёҳлар ҳамда тадбир иштирокчилари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар содир этилишига йўл қўйилмади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.06.2021 йилдаги ПҚ-5149-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25.05.2022 йилдаги ПҚ-259-сон